

ТАРБИЯВИЙ ИШ МЕТОДИКАСИ
Ёрдамчи мактаб ўқитувчилари учун қўлланма

2010 йил

Кириш

Мустақилликка эришган давримиз давомида Давлатимиз ва президертимиз томонидан таълимнинг мазмуни, уни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ислохотлар Узбекистонда мактаб таълимини жаҳон стандартлари ҳамда ривожланган давлатлар даражасига кўтариш бўйича оламшумул, аҳамиятга эга бўлган ишлар каторидан ўрин олган деб таъкидлаш мумкин. Бу ишлар таркибида албатта алоҳида этиборга муҳтож бўлган, имконияти чекланган болалар таълими ва уларга бўлган этибор ва ғамхўрлик ҳам ётгани муқаррар. Жумладан алоҳида ёрдам ва махсус таълимга муҳтож бўлган болаларга бўлган ғамхўрлик сифатида улар учун ҳар йили яртилаётган ва чоп этилаётган дастурлар, дарсликлар, капитал таъмирланиб, янгидан қуриб топширилаётган мактаб ва мактаб-интернат бинолари шулар жумласидандир.

Болалиқдан ногирон бўлган болаларга давлат томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар каторида, махсус таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган, зиммасига давлатимиз сиёсатини ногирон болаларга таълим- тарбия бериш жараёнида ва уларни соғлом тенгқурлари каторига қўшилиб уйғунлашиб реабилитация бўлишига тайёрлашдек маъсулиятли вазифани бажариш орқали амалга ошириш юклатилган тарбиячи ва ўқитувчилар фаолияти муҳим ўринда туради.

Махсус таълим муассасаларининг барча йўналишлари болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли коррекцион йўналишларда махсус таълимни амалга оширадилар. Жумладан қар болалар таълимида ҳам ўзига хос хос коррекцион ишларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бу жараёнда ўқитувчи билан бир каторда тарбиячи томонидан ҳам амалга оширилаётган коррекцион ишлар мавжуд.

Тарбиявий ишларининг мазмуни, ҳар бир мактаб-интернатнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқади ва тарбиячи ишинининг

мазмуни, моҳияти йўналишларини белгилаб беради. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин-ки қар болалар мактаб-интернати тарбиячиларининг иш мазмунида болаларга тарбия бериш билан бир каторда коррекцион йўналишдаги ишларни олиб бориш ҳам асосий ўрин тутаяди. Яъни тарбиячи ҳам ўқитувчи билан ҳамкорликда қар болаларнинг камчиликларини тузатишга қаратилган коррекция ишларини давом эттиради, баъзиларини мустақил равишда амалга оширади.

Мактаб-интернатида тарбиячи ота- она вазифасини бажаради ва ўзининг гуруҳидаги барча болаларга ғамхўрлик қилади, уларга маънавий, моддий ёрдам беришга, уларни ҳимоя қилишга тайёр туради, тарбиялаш билан бирга эшитишга, гапиришга ўргатиш мажбуриятини ҳам олади, ювиб тарайди, вақтида овқатлантиради, оналардек ухлатади, уйғотади, едириб ичтиради.

Ёрдамчи мактабнинг мақсади ва вазифаси имконияти чекланган ўқувчиларда мавжуд камчиликларни коррекция ва компенсация қилишга қаратилган. Уларда мавжуд камчиликлар таълим ва тарбия жараёнида муайян шароитда махсус усулларни қўллаган ҳолда амалга оширилади.. Бу жараён эса ўз навбатида маълум тартиб, тизим ва қонуниятларга бўйсинади,

Ёрдамчи мактаблардаги тарбия принциплари бутун тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланиладиган қонун-қоидалар мажмуасидир. Бу қоидаларга тарбиянинг мазмуни, усуллари, **Ёрдамчи** ташкил этиш шакллари киради. Барча мактабларда тарбия принциплари умумий кўринишга эга. Аммо, ёрдамчи мактабларда ақли заиф болаларнинг психологик, жис-моний, ҳиссий нуқсонларига кўра ўзига хос принцип-лардан ҳам фойдаланилади.

Олигофренопедагогикада таркиб топган ва миллий асосланган тарбия принциплари тизими тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлигини, шахсий, жамоада ва жамоа орқали тарбиялашни, тарбиявий таъсирнинг изчиллигини ва давомийлигини, тарбияланувчи шахсига нисбатан талаб-чанлик билан ҳурматнинг бирлигини, тарбиянинг ақли заиф болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мослигини, таълим ва тарбиянинг боғлиқлигини, тар-бияда атрофлича ёндашиш принципларини ўз ичига олади.

Ақли заиф ўқувчи шахсини ғоявий ва маънавий шакллантириш манфаатлари педагогнинг ҳар бир хат-ти-ҳаракатини тарбиянинг мақсадлари билан қиёслаш-ни, унинг амалга оширилишига режали тарзда ва қунт билан эришишни талаб қилади. Ҳар бир тарбиявий тадбирнинг қиммати унинг

акли заиф ўқувчилар жа-моаси ҳаётини қанчалик бойитганлиги, ишончни шакл-лантиришга қанчалик ёрдам бериши билан ўлчанади. Афсуски, қатор ёрдамчи мактабларда тарбиявий тад-бирлар хўжакўрсинга режалаштирилади. Булар оқибатда болаларда қизиқиш, жўшқинлик ва ҳиссий шакл-ланишнинг имконини бермайди. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини тарбиялаш воситаси бўлган фаолиятнинг бар-ча турларига пухта йўналиш берилиши шарт.

Ёрдамчи мактабда тарбиянинг ҳаёт билан, амалиёт билан боғлиқлик принципи етакчи принцип ҳисоблана-ди. Бунинг моҳияти шундан иборатки, тарбияга жами-ятнинг иқтисодий ва маънавий муносабатларини, воқеликнинг кадриятларини, ахлоқи ва эстетикасини татбиқ этишдан иборат. Ёрдамчи мактабда ўқувчилар-ни моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатга, касб-ни асосли тарзда танлашига ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар томонидан чуқур англаб олиниши керак. Баъзан тарбиянинг турмуш билан боғлиқлигини тар-биявий иш ҳамда ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг унум-ли меҳнати ўртасида алоқа ўрнатишдангина иборат деб қаралади. Аммо ҳаёт унумли меҳнатга қараганда анча кенгроқ ва мазмунлироқ тушунчадир. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини меҳнат фаолиятининг хилма-хил шаклларига жалб этаётганда бу нарсани ўқувчилар жамиятга хизмат қилиш мактаби, моддий ва маънавий мўл-кўллиги учун умумхалқ курашининг таркибий қис-ми деб идрок этишлари ҳамда ғамхўрлик қилишлари керак. Қилинаётган барча тарбиявий тадбирлар ҳаё-тий, яъни акли заиф болалар билан Улар эшитган, кўр-ган нарсаларга асосланган тарзда олиб борилса яхши самара беради. Акс ҳолда ўтказилган тадбирлар бола-лар учун тушунарсиз нарса бўлиб қолиши мумкин.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини жамоада жамоа ор-қали ва жамоа учун тарбиялаш принципи ҳам ўзига хос ўринга эга. Бу принцип тарбия тизимининг жамият талабларидан келиб чиқадиган принципларидан бири бўлиб, унинг табиати ишлаб чиқариш воситаларига му-носабат, ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муно-сабатлари билан характерланади.

Жамоа шундай «гимнастика залидирки», унда шахс-нинг хилма-хил фазилатлари машқ қилинади ва шакл-ланиб боради. Бизнинг педагогикамиз икки томонлама: тарбиячи ва тарбияланувчи педагогикасидан фарқли уюштирилган педагогик жараёни афзал кўради. Бир-галикда фаолиятда, бир мақсадни кўзлаб ташкил этил-ган жамоа ҳаракатларида инсонга нисбатан мумкин қадар кўпроқ талабчанлик қидиш, лекин шу билан бирга унга мумкин қадар кўпроқ ҳурмат билан қараш керак.

Шу принципга амал қилиб, ёрдамчи мактаб ўқитувчи-лари ўқувчилар билан муносабатларнинг шундай услу-би ва тарзини танлайдики, акли заиф ўқувчиларнинг руҳини туширмайди, балки уларнинг кучига эркинлик беради. Бу услуб ижобий ҳаракатлар ва хулқ-атворга ундайди, ўз кадр-киммати ва ўз хулқ-атвори учун масъулият туйғусини сингдиради. Тирноқ орасидан кир қидириш, икир-чикир гапларга берилиш билан алоқаси бўлмаган талабчанлик инсонга нисбатаи энг олий ҳурматдир. Классик педагоглар таъбири билан айтганда, инсонга ишониб ёндашиш керак, бунда ҳатто айрим таваккалчиликка ҳам йўл қўйиш мумкин. Педагог ўқувчида ижобий фазилатларни тарбиялашни назарда ту-тиб ва шунга таяниб, ишончга асосланиб, инсонни ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиш руҳида тарбия-лайди.

Тарбиявий таъсирнинг изчиллиги, системалилиги, яхлитлиги ва узлуксизлиги принципи ҳам тарбиявий тадбирларнинг самарадор бўлишида зарурий принцип-лардандир. Бу принципларга амал қилиш педагогика тизимини шундай қуришни тақозо этадики, унинг тар-биявий қисмлари ва элементлари бир-бири билан ён-ма-ён бўлмасдан, яхлит бирликни ташкил этиши керак. Педагогик таъсирнинг бирор тизимга эга эмаслиги тар-биявий ишга тамомила зиддир. Ёрдамчи мактаб ўқув-чиларига нисбатан талабларнинг турличалиги тарбия-га кўп зарар етказиши керак. Афсуски, амалда кўпинча шун-дай бўладики, оила мактаб ташаббусини қўллаб-қув-ватлаши у ёқда турсин, балки қарама-қарши таъсир кўрсатади. Баъзан ўқитувчилар орасида ҳам талаблар бирлиги таъминланмайди. Тарбия кўплаб кишилар иштирок этадиган, узоқ муддатли жараёндир. Шу са-бабли уларнинг ишида изчилликка, эришиш, давомий-ликка риоя қилиш, ўқувчиларнинг тарбияланиш дара-жасини, яқин орадаги ривожланиш зонасини ўз вақти-да аниқлаш ниҳоятда муҳимдир.

Ёрдамчи мактаблардаги ўзига хос тарбиявий прин-циплардан яна бири мактаб ўқувчиларининг ёш ва инди-видуал хусусиятларини эътиборга олишидир. Бу принципни амалга ошириш ўқувчилар

фаолиятининг мазмун ва шакллари уларнинг ёши, ҳаётининг тажрибаси, кучи ва имкониятларига мувофиқлаштиришни талаб этади. Айни вақтда ҳар бир бола — бу алоҳида дунёдир. Шу сабабли тарбия жараёни таълим жараёнига қараганда ҳам анча индивидуал бўлиши керак. Агар ўқитувчи муайян пайтдаги талаб ва қизиқишларга таяниб, уларни қондиришни хулқ-атвор ва фаолият мотивларининг ҳал қилувчи негизи бўлган янги талаблар ва янги қизиқишларни вужудга келтирадиган шакл ва усуллари-ни топа олса, бу мақсадга эришиши мумкин бўлади. Ақли заиф болалар билан иш олиб борадиган ўқитувчи, тарбиячилар барча таълим-тарбия жараёнларида умумий камолотида бирор нуқсонни бор болалар билан ишлаётганлигини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Шундагина, улар амалда учраб турадиган ҳар хил кўнгилсиз, нохуш ҳолатларни тўғри тушунадилар ва уларнинг олдини ола биладилар. Акс ҳолда, ақли заиф болаларнинг нуқсонлари сабабли юз берадиган турли нохуш ҳолатларни тушуниб етмайдилар. Демак, бундай боғ лалар билан яқкама-яқка тарбиявий иш олиб борил-майди.

ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ

Тарбия усуллари деганда ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш мақсадида боланинг онги, ҳис-туйғулари, иродаси хулқ-атвори ва муносабатлари ти-зимига таъсир кўрсатиш усулини тушуниш керак.

Тарбия усуллари таълимида бўлганидек айрим эле-ментларга бўлиниб, улар тарбия йўллари деб аталади. Ерданчи мактаб ўқитувчиси ёки тарбиячиси биринчи бор синфни тозалаш бўйича шанбалик ташкил қилади, У болаларнинг ишини муайян қисмларга тақсимдаш-дан аввал қандай ювиш, қандай артиш, полни ювиш осон бўлиши учун парталарни қандай суриш керакли-гини тушунтиради ва кўрсатади. Ўқитувчининг ана шун-дай тушунтириши мазкур ҳолда методик усул сифатида намоён бўлади. Тарбия усуллари боуцага таъсир кўр* сатишдангина иборат эмас. Тарбия икки томонлама жараён бўлиб, ўқитувчи, тарбиячи фаолияти билан ўқувчи фаолиятини бирлаштиради. Боланинг тарбия-вий таъсирга фаол тайёр бўлишига эришиш учун уни муайян шароитга қўйиш, унинг актив фаолиятини таш-кил этиш керак. Шу сабабли педагогика фанида тарбия-нинг ташкилий шакллари ўқувчиларнинг жамоа ва индивидуал фаолиятини педагогик нуқтаи назардан мувофиқ равишда ташкил этиш усуллари деб ҳисоб-ланади. Синф мажлисларини, эрталиклар, суҳбатлар, болалар билан турар жойларда олиб бориладиган иш-ларни, клублар ишини ва бошқаларни тарбиянинг ташкилий шакллари дейиш мумкин. У ёки бу тарбиявий вазифаларни ҳал этишнинг мақсадга мувофиқ таш-кил этилган методик йўллари тарбия воситалари деб аталади.

Болалар билан тарбиявий ишда фойдаланиладиган нарсалар (кўргазмалар, китоблар, радио, телевидение) ҳамда болалар жалб қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари бўла олади. Кинофильмлар, санъат асарлари, мураббий ўқитувчининг жонли сўзи, болаларнинг ўйинлари, жамоатчилик, жисмоний тар-бия ва ҳаваскорлик тўғарақлари тарбия воситалари вазифасини бажаради. Тарбия натижаси тарбиявий жараённи ташкил этиш усуллари, воситалар шакллари-дан моҳирона фойдаланишга ва уларни қўшиб олиб боришга боғлиқ.

Ерданчи мактабда тарбия усуллари-нинг қўлланиш самарадорлиги ва ҳаракатлантирувчи кучлари, ақли заиф болаларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари ва тарбияланганлик даражаси билан, бола яшаётган конкрет педагогик вазиятнинг табиати билан қанчалик ҳисоблашишига ҳам боғлиқ. Тарбия усулини татбиқ этиш муайян ёшдаги бола фаолиятининг етакчи типи-га, болаларнинг руҳий, жисмоний ҳолатига мос келса муваффақиятли бўлади. Амалда тарбия усуллари ўзаро анча мураккаб, баъзан эса қарама-қарши алоқада на-моён бўлади. Шубҳасизки, қандайдир алоҳида усул тарбиянинг бошқа усуллари-дан ажралган ҳолда қўлланиши ҳам мумкин, лекин у албатта бошқа усуллар билан ўзаро алоқада бўлиши мумкин. Ерданчи мактаб-да тарбиячи тарбияланувчиларга мактабда, синфда юриш-туриш қоидаларини, ўртоқлари билан муомалани ўргатади. Ўқитувчи ҳам биринчи кундаёқ ўз синфини, бутун мактабни кўрсатади, ўқувчилар ўзларини қандай тутишларини, улар қандай шуғулланишларини, дарс-да қандай ўтиришлари, танаффус вақтида қандай дам олишлари лозимлигини ўргатади. Тушунтириш билан бир қаторда тарбиячи уларни ўқитувчи, директор ва бошқа катта ёшдаги кишиларга салом бериш учун партани тақиллатмасдан ўрнида туришни, синфдан чиқишни, иш жойида тартибга риоя қилишни, ўқитув-

чига, тарбиячига мурожаат қилиш тартибини ва хоқа-золарни ўргатади. Ёрдамчи мактабга келган биринчи синф ўқувчилари ривожланиши, хусусиятлари жиҳати-дан хилма-хилдир. Бирлари тарбиячи гапларини тушу-ниб, барча тарбияланувчиларга қаратилган унинг илти-мосини тезда бажарадилар, топшириқларни кунт билан йшлайдилар. Айримлари эса, тарбиячининг гапига ях-ши кулоқ солмайдилар, тушунмайдилар, тарбиячининг ҳамма тарбияланувчидарга қилган мурожаатини дар-хол англаб етмайдилар. Ёрдамчи мактаб болалари рағбатлантиришни айниқса яхши кўрадилар. Дастлабки кунларданоқ тарбиячи тарбияланувчиларяинг айрим-ларини яхши хулқи учун мактаб кўяди, бошқаларига эса, гапга эътибор билан кулоқ солиш кераклигини ту-шунтиради. Шу тарзда ақли заиф болаларни тарбиялаш жараёнида ёрдамчи мактаб тарбиячиси таъсир этишнинг турли усул ва йўллари-дан фойдаланиб, ақли заиф болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва тар-бияланганлик даражаларини, педагогик вазият харак-терини ҳисобга оладики, бу нарса айрим тарбияланувчидар ва умуман ёрдамчи мактаб манфаатлари йўлида ҳар хил ечимларга келишни талаб қилади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари билан амалий ишлашда тарбия усулларидан фойдаланиш кўникмалари ва малакаларини ўрганиш ва ҳосил қилиш кулай бўлиши учун уларни шартли равишда бир неча гуруҳга бир-лаштириш мумкин. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари онги-ни шакллантириш усуллари, жамоатчилик хулқ-атвори-ни шакллантириш йўллари, рағбатлантириш усуллари ва ўз-ўзини тарбиялаш усуллари ҳам қўлланилади. Шунини айтиб ўтиш ўринлики, айрим адабиётларда юқо-рида айтиб ўтилган тарбия усуллари ҳам сон жиҳати-дан баъзан мазмун жиҳатдан ҳам ўзгача баён этил-ган. Масалан, 1985 йилда Киевда чиқарилган И. Г. Еременконинг олигофренопедагогика қўлланмасида тар-бия усуллари 3 та: машқ қилдириш, ишонтириш ва рағбатлантиришдан иборат дейилган. Демокчимизки, бундай масалалар муаллифлар томонидан қатъий бир шаклда, бир кўринишда берилмаган ва берилиши ҳам шарт эмас.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларида дунёқараш ва эъти-қодлар тизимини шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-тўйғуси ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усуллари ҳам тарбия усулларига киради. Бу тоифадаги усулларнинг моҳияти шундан иборатки, уларнинг воситаси билан жамият ёш авлодга нисбатан қўллаётган талаблар бола онгига етказилади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини тарбиялашда тарбиячи дастурхон атрофида, кўчада, катталар билан муомала-да тўғри хатти-ҳаракатлар қилиш одатларини таркиб топтиришга, ана шу муомаладан завқланиш, яхши хул-қи учун катталар мактовидан мамнун бўлиш туйғусини шакллантиришга кўпроқ эътибор беради. Ёрдамчи мак-таб қуйи синфларида тушунтириш эътиқод ҳосил қилиш-нинг кенг қўлланиладиган усулидир. Тушунтиришдан мақсад — болага хатти-ҳаракатлар, воқеалар, ҳодиса-ларга нисбатан у ёки бу талабларнинг ижтимоий, маънавий, эстетик мазмунини очиб беришда, унга хулқ-атвор ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакл-лантиришда кўмаклашишдан иборат. Ёрдамчи мактабда тарбиячининг ва ўқитувчининг жонли сўзи ҳамиша бола шахсининг ғоявий ва маънавий шаклланишида таъсир-чан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Тарбиявий мазмунли суҳбатлар турли мазмунларда: этик (жамият-даги инсонларнинг юриш-туришлари ҳақида; эстетик (атрофдаги воқеаларнинг, инсоний муносабатлар ва хулқ-атворнинг гўзаллиги ҳақида); сиёсий-таълимий бўлиши мумкин.

Тарбиянинг асосий, етакчи усулларидан бири намуна асосида тарбиялашдир. Бошланғич синф ўқувчиси кат-та бўлишга интилаётганида катталар, ўзи ҳурмат қи-ладиган кишилардан намуна олиб, уларга тақлид қи-лишга ҳаракат қилади. Тақлид қилиш асосида турли сабаблар бор. Айниқса улардаги ҳаётий тажрибаларнинг етишмаслиги юриш-туришнинг барқарор одатлари кам-лиги ҳам тақлидга сабаб бўлади. Ёш улғайган сари тақлид қилиш даражаси кенгайиб боради.

Баъзан ёрдамчи мактаб тартибини бузувчилар. уларнинг қўполлиги, кўрслиги, ўжарлиги, сохта жасо-рати айрим болалар эътиборини жалб этади. Ҳар доим ҳам ақли заиф болаларни ёмон ўрнақдан ажратиб қўйишнинг иложи бўлавермайди.

Тарбияда муваффақият қозониш учун оилада ва мактабда бол^а ҳаётини шундай ташкил этиш зарурки, бу нарса унинг учун зерикарли, мазмунсиз, мажбурий бўлмасдан, ақли заиф болаларни ёмон ўрнақдан ҳазар қилишга, унга қарши туришга ўргатиш лозим. Ҳар бир шахс алоҳида, такрорланмас шахс сифатида ўзига хос равишда ривожланишига эришиш керак. Болани ўраб олгая барча шахслар бодага ўрнак бўладиган даражада бўлиши лозим. Тарбиячиларнинг таъкидлашича, тарбия тўғри хатти-ҳаракатга ўргатувчи машқдан бошқа нар-са эмас. Машқ болаларнинг оқилона,

бир мақсадга қаратилган ва ҳар томонлама фаолиятини (қабул қилин-ган ахлоқий нормалар ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишдир. Машқ муайян ҳаракатлар ва ишларни кўп марта такрорлашни ўз ичига олади. Машқни айнан бир ҳаракатнинг ўзини механик тарзда такрорлайвериш-дан иборат деб тушуниш ярамайди, лекин бусиз ҳам ақли заиф болаларда ижобий одатлар ҳосил қилиб бўлмайди. Бола учун машқ онгли, ижодий жараён бўлиши керак. Турли машқлар натижасида болаларда малака, кўникмалар, одатлар шакллантирилиб, янги билимлар ҳосил қилинади, ақлий қобидият ривожланади. Одат-лар улар фикрича, эътиқодни майлга айлантирадиган ва фикрни ишга айлантирадиган жараёндир.

Тарбия усуллари ичида рағбатлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Рағбатлантириш руҳлантириш демак-дир. Тарбиячилар болаларга турли талаблар тизимини ишлаб чиққанлар. Талабларнинг шакли ҳар бир бола-янги индивидуал хусусиятларига боғлиқ булади. Агар бир болага эслатиш ёки шама қилиш кифоя қилса, бошқасига қатъийроқ талаб қўйиш керак бўлади. Бола-га секин, ишчанлик вазиятида кескин оҳангда талаб қўйиш мумкин. Талаблар тўғридан-тўғри, билвосита, маслаҳат тарзида, ўйин шаклида, ишонч орқали, ишонч-сизлик, илтимос, шама, маъқулловчи, қораловчи, шарт-ли бўлади. Қўйилаётган талабларнинг самарадорлиги ҳам боланинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, у тушиб қолган вазиятга, ўқитувчи кўзлаётган мақсад-га ва бошқа ҳолатларга боғлиқ.

Мусобақа ўқитувчи-тарбиячининг ҳар бир боланинг имкониятларини кўриш ва баҳолашда, олға ҳаракат кидиш давомида имкони бўлган истиқболни белгилаш-да, ирода ва характерни тарбиялашда ёрдам беради. Мақтов ва жазо рағбатлантириш усулига киради. Мақтов алоҳида ўқувчи хатти-ҳаракатларини, феъл-атворини ижобий баҳолаш йўли билан педагогик таъ-сир кўрсатишдир. Жамоа ўзининг у ёки бу аъзосини рағбатлантириб, болаларнинг ижобий хулқ-атворини мустаҳкамлайди, бу билан уларнинг ахлоқини йўлга солиб туради. Мақтов боланинг ўз фаолияти ёки юрипъ туришидан мамнуният туйғусини келтириб чиқаради. Шу сабабли мақтовга берилиб кетмаслик муҳимдир. Акс ҳолда, у манманлик .хотиржамлик туйғусини кел-тириб чиқаради.

Ўқитувчи-тарбиячи ёки жамоа айрим болаларнинг хулқ-атворидан, унинг муносабатидан, муомаласидан мамнун бўлмаса, болага ўз хулқини тузатиб олишда ёрдам кўрсатиш учун жазолаш усулидан ҳам фойдаланади. Мақтов сингари жазо ҳам боланинг худқ-атвори-ни йўлга солиб туради ҳамда унинг ўзини ноқулай се-зишга, уялишга мажбур қилади.

Шу сабабли бу усулдан боланинг индивидуал ху-сусиятларини яхши билган ҳолда фойдаланиш даркор. Ўқитувчининг адолатсиз жазо бериши ўқувчи билан ўзаро муносабатларида низоли вазият вужудга келти-ради. Боланинг ўз кучига ишончидан маҳрум қилиб қўйиши мумкин. Жазо бериш пайтида ўқитувчи ўқувчи-нинг нима учун, қайси хатти- ҳаракати учун жазолаи-ганини англаб олишга эришиши айниқса муҳимдир.

Махсус мактабда амалга ошириладиган тарбия йўналишлари

Махсус мактаб-интернатларда ҳам умумтаълим муассасаларидаги каби тарбиявий ишлар мазмунига қуйидаги йўналишлар сингдирилган ҳолда олиб борилади:

1. Ватанпарварлик тарбияси
2. Нафосат тарбияси
3. Меҳнат ва касбга йуналтириш тарбияси.
4. Экологик тарбия
5. Иқтисодий тарбия
6. Спорт ва соғломлаштириш
7. Йўл ҳаракати қоидалари
8. Одобрнома, Миллий йўналиши
9. Хуқуқий тарбия
10. Синфдан ташқари ўқиш
11. Ота-оналар билан ишлаш.

Ёрдамчи мактабларда ахлоқий тарбия

Ахлрқий тарбия деганда шаклланаётган, ривожла-наётган, ўсиб келаётган авлодда хулқ-одоб меъёрла-рига мос келувчи сифатларнинг шаклланишини тушуна-миз. Албатта, барча тарбия турлари болалар тарбиясида ўзига хос ўринга эга. Бусиз мумкин эмас. Аммо,, ахлоқий тарбия, унинг моҳияти алоҳида шахс учунгина эмас, балки жамиятнинг келажаги, унинг қандай жамият бўлиши учун ҳам муҳимдир. Бу ерда муболаға йўқ. Чунки ахлоқий тарбияланган шахсларсиз етук кишилик жамияти куриш мумкин эмас. Ахлоқий тарбия бошқа тарбия турларидан ўзининг аҳамияти билангина аж-ралиб қолмасдан, балки мураккаблиги билан ҳам аж-ралиб туради. Бу ўринда машхур француз педагоги, шифокори Эдуард Сегеннинг фикрдари эътиборга ло-йиқ «Ақли заиф бола ақлан билмайди^ жисмонан ба-жара олмайди, руҳан хоҳламайди. Ақли заиф бола ақлан била оларди ҳам, жисмонан бажара оларди ҳам, агар у хоҳласа. Барча бало шундаки, дастлаб у хоҳламай-ди».

Демак, ақли заиф болалар бирор иш қилишни топшириқлар бажаришни хоҳламас эканлар. Умумий психологиядан, тарбия назариясидан маълумки, агар тарбияланувчи бирор иш қилишни хоҳламаса у билан қилинадиган ишлар оғир, мураккаб кечади. Ахлоқий тарбияни шакллантириш усуллари, ахлоқий тарбия прин-ципларига оид фикрлар кишилик жамиятида жуда эр-та мутафаккирлар эътиборини тортди. Буларга мисол қилиб Аристотель, Платон, Гелен, Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, А. Навоий, Абдулла Авлоний, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, С. Айний ва бошқа қатор мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид нодир, дурдона асарларини, фикрларини кўрсатишимиз мумкин. Замонамиздан минг йил олдян яшаб ижод этган Абу-Наср Ал Форобий ўзининг «Бахтга йўл кўрсатиш» асарида шундай дейди. «Яхши хулқ ва ақл кучи биргаликдагина инсоний ютуқдир... Барча гўзал ва жирканч ахлоқий сифатлар ҳаёт давомида орттирилади». Форобий асарларида дидактика масалалари, таълимнинг назарий, психологик масалалари ҳам очиб берилган. Унинг кўрсатишича, инсоннинг маънавий камолоти қалб, онг ва тафаккур билан белгиланади.

Унинг илғор фикрлари Ибн Сино, Ибн Рушд, Раджер, Бекон, Спиноза ва бошқа мутафаккирларнинг ижодига ижобий таъсир этади.

Абу Райҳон Беруний ҳам ахлоқийликка алоҳида эътибор билан қараган. Ахлоқийлик, яхшилик ва ёмон-лик, виждон, тўғри сўзлик, ор-номус масалаларига алр-ҳида эътибор берган.

Тиббиёт асосчиси Абу Али ибн Сино педагогик қа-рашларида ҳам бизларга оид мазмун бор деб ўйлаймиз. Унинг фикрича, таълим-тарбияда болаларнинг мойил-лик ва қобилиятларига алоҳида эътибор бериш керак. Инсон онгли мавжудот эканлиги билан ҳайвонлардан фарқ қилиши, атроф-муҳитга таъсир қилишини айтиб ўтади. Етук инсон тарбиялаш гбкр кишининг иши бўлмас-дан, балки узок вақт кунт билан ишлашни талаб этадиган жараён-дир деб таъкиддарди.

Ахлоқий тарбия шахснинг баркамол шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам педагогикада ахлоқ масалаларига катта аҳамият берилади. Хўш, шундай экан ахлоқнинг ўзи нима? Ахлоқ — ижтимоий онг шакли бўдиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ-атворини йўлга солиб турадиган принциплар, талаблар, меъёрлар ва қоидалар йиғиндисидан иборат. Ахлоқий тушунчалар: яхшилик, шараф, виждон ва бошқалар баҳоланувчи характерга эга. Ахлоқ мазмуни муайян қадрият йўл-йўриқларини, хулқ-атвор меъёрлари ва мотивларини, инсонлараро муомала шаклларини ўз ичига олади ва айни вақтда уларни асослайди.

Ахлоқ қандай хатти-ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида гапирибгина қолмай, балки нима учун бошқача эмас, бевосита шундай ҳаракат қилиш кераклигини тушунтиришга интилади. Нуқсонли болаларни ахлоқий тарбиялаш — ақли заиф болаларда ахлоқий сифатлар, характер белгилари, ахлоқий хулқнинг малака ва кўникмаларини тарбйялашдан иборат»,— деб таъкидланади дефекто-логик луғатда. Ақли заиф болалар шахсининг ўзига хос хусусиятлари: ақлий етишмаслик даражаси ва қолдиқлари, ахлоқий тасаввурлар, тушунчалар, иж-тимоий мотивлар, ўзларига танқидий қарашнинг йўқлиги билан белгиланади. Бундай қатор нуқсонларни тўғри-лаш учун қатъий режа асосида иш олиб борилиши даркор. Нуқсонли болаларни ахлоқий тарбиялаш учун қуйидаги асосий принципларга риоя этиш алоҳида аҳамиятга эга.

1. Маълум тоифадаги нуқсонди болаларга тегишли умумий ва индивидуал хусусиятларни аниқлаш учун уларни атрофлича ўрганиш. Бирламчи ва иккиламчи нуқсонларни таҳлил этиш.

2. Нуқсонли болаларнинг нисбатан сақланган, куч-ли имкониятларини аниқлаш ва шунга асосланиб иш олиб бориш.

3. Педагогик жараёнинг болалар нуқсонларини тўғрилаш ва уларнинг ўрнини тўлдиришга қаратилиши. Асосий эътиборни тарбияга осон бериладиган иккиламчи нуқсонларга қаратиш.

4. Турли тоифа нуқсонлиларга алоҳида-алоҳида муносабатда бўлиш, айрим болаларга индивидуал ёндошиш.

Олигофренопедагогикада ақли заиф болаларни ах-лоқий тарбиялаш масаласи атрофлича очиб берилмаганлигини инобатга олиб, улар билан олиб бориладиган унумли иш усулларини қидириб топиш керак. Ёрдам-чи мактаб ўқувчиларининг ахлоқий тарбияси турмуш ва фаолиятнинг турли соҳаларида амалга оширилади. Ақли заиф болалар оилада, тенгдошлари орасида, ёрдамчи мактабларда, кўчада ахлоқий таъсирни сезади-лар. Кўпинча бу таъсир ахлоқий талабларга монанд бўлмайди. Юксак ахлоқий шахсни сурункали тарзда, собит қадамлик билан тарбиялаш ёрдамчи мактабда, уюшган болалар жамоасида рўй беради. Ёрдамчи мактабда шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган махсус тузатиш — тарбиявий ишлар амалга оширилади. Ёрдамчи мактаб ўқитувчилари, тарбиячилари ўқувчи-ларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлар эканлар, уларни ҳар, вақт камтар, ҳалол, ўзларининг ҳис-ҳаяжонларини жи-ловлаб туришга, Ватанни севиш, меҳнат қилиш, одам-ларга нисбатан меҳрибон ва ғамхўр бўлишга ўргатадилар. Ана шу ва бошқа маънавий фазилатлар ахлоқий жиҳатдан тарбияланган шахсга хос бўлади. Ёрдамчи мактабнинг махсус тарбиявий фаолияти ана шундай шахони тарбиялашга қаратилган бўлиб, у ахлоқий тар-биянинг кўйидаги вазифаларини ҳал этади:

— ахлоқий онгни, мустақкам ахдгақий эътиқодни тарбиялаш;

— ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг Ватанга, жами-ятга, меҳнатга, ўзига, бошқаларга муносабатини англаб олишга қаратилган ахлоқий туйғуларни тарбиялаш;

— одоб кўникмалари ва одатларини тарбиялаш. Ахлоқий тарбиянинг асосий мазсади ва вазифаси

ҳар бир Оилада фаол ҳаётий нуқтаи назар ҳосил қилиш-дан иборат.

Ёрдамчи мактаб тарбиявий ишининг умумий тизимида ўқувчиларда ахлоқий ҳислатларни тарбиялаш энг мураккаб ва шу билан бирга масъулиятли вазифадир. Чунки ақли заиф ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш самараси ўқувчиларда ах-лоқий ҳислатлар қанчалик тарбияланганлигига боғлиқ бўлади.

Ахлоқий тушунчалар, одам хулқининг меъёри ва ма-лакалари, унинг меҳнатга бўлган муносабати, интизом-лилигидадир. Буларнинг ҳаммаси тарбия натижаси, бо-лага мактаб, оила ва атрофдагиларнинг мураккаб ва доимо таъсир этиш натижасидир. Шунинг учун болада маълум бир ахлоқий сифатни вужудга келтириш мақ-садида режалаштирилган, мақсадга қаратилган педагогик таъсирни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ақлий нуқсонли болаларни ахлоқий тарбиялашда ёрдамчи мактаб олдида тургаи вазифалардан бири ўқувчи-ларнинг хулқида, ўқишда ва меҳнатида интизомликни тарбиялашдан иборатдир. Интизомлик мураккаб ҳислатдир. Уни шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилади. Кичик ўқувчиларда оддий бўйсунушдан тортиб, катта ўқувчиларда хулқ талабларини онгли равишда бажаришдан иборат. Ақли заиф болаларни ахлоқий тарбиялаш тизимини яратишда дефектологларимиз бу болаларнинг билиш имкониятларидан келиб чиқадилар.

Ватанпарварлик тарбияси

Ёрдамчи ўқувчиларининг тафаккури конкрет предмет ва ҳодисалар асосида бўлади. Шу сабабли улар абстракт тушунчаларни эгаллаши учун таълимнинг дастлабки босқичдан бошлаб ҳар бир тушунча конкрет материаллар асосида бериб борилади.

Ёрдамчи мактабларининг она тили дарслари нутқ ўстириш, ва ўқиш дарсларидан бошланади. Нутқ ўстириш даслари ҳам коррекцион, дарс бўлиб унда ўқувчилар мустақил

равишда эгаллай олмайдиган тушунчалар шакллантирилади. Уқиш дарсликлариди эгалланган тушунчалар ифодаланган ўқиш материали берилиши кўзда тутилади.

Тарбиячининг зиммасига бола оила шароитида эгаллаши лозим бўлган тушунчаларни шакллантириб бориш юклатилади. Шу сабабли кар, заиф эшитувчи болалар ҳар бир ёшда эгаллаши лозим бўлган тушунчалар тарбиячининг иш режасида ўз аксини топиши лозим.

Жумладан ватанпарварлик тарбияси болалар мактабга келган дастлабки кунлардан бошланиши кўзда тутилади.

Тайёрлов синфларда :

- Оила , оила аъзолари, яқин қариндошлари ота, она, бобо, буви, ака, ука, опа, сингил (хола, амма, амаки, тоға,)
- Менинг оилам, менинг оила аъзоларим . . .
- Менинг уйим, менинг маҳаллам, менинг кўчам, мен уйимда ва интернатда яшайман, ўқийман
- Менинг мактабим, менинг синфим, бизнинг мактабимиз, бизнинг синфимиз, бизнинг хонамиз
- Менинг ўртоқларим дўстларим, ўқитувчим, тарбиячи опам
- Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Карши менинг шаҳрим, бизнинг шаҳримиз каби тушунчалар мустаҳкамланади.

Бу даврда тарбиячининг барча машғулоти деярли ўқитувчининг дарслари тарзида, лекин эркин мулоқот шаклида олиб борилиши талаб қилинади. Яъни ҳар бир сўз, тушунча, ибора плакатга ёзилиб, расмли ифодси ёки предметларнинг табиий ҳолати намойиш қилинган ҳолда дактил –оғзаки тарзда ўргатиб борилади.

Машғулотлар интерфаол усулларда, ўйин шаклида олиб борилади, болаларга тушунчаларини расмларда ифодалаб бериш таклиф қилинади.

1- 3 синфларда:

- Ўзбекистон бизнинг республикамиз, Тошкент республикамизнинг пойтахти, Ўзбекистон менинг ватаним, менинг шаҳрим менинг қишлоғим,
- шаҳримни, қишлоғимни севаман, республикамизни севаман, Ўзбекистон менинг ватаним
- Ота-она бита бўлади, ватан бита бўлади, Ватанни асраш, ҳимоя қилиш тушунчаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш
- Давлатимиз рамзлари, уларнинг таърифи ҳақидаги дастлабки тушунчалар шаклланади
- Аскарлар ватанни қўриқлайди, мен ҳам ватанни қўриқлайман, ватанни душманлардан асраш, жосуслар, душманлар, ватан ҳимоячилари тушунчаларни эгаллаб шулар доирасида мулоҳаза юритадилар

Бу даврда тарбиячилар ўқитувчилар томонидан ватанпарварлик мавзусида берилган нутқ материални турли тадбирлар нутқ кечалари, учрашувлар орқали

мустаҳкамлайдилар, ижодий ишларда ифодалашга ундайдилар ва йўллайдилар.

4-6 синфларда :

- Умумтаълим мактабининг 2 -4 синфлари доирасидаги ватанпарварлик тушунчаларга эга бўла бошлайдилар, дастлабки таърихий воқеаларни тушуниб муносабат билдира оладиган бўладилар, ватан ва ватанпарварлик мавзусидаги шерларни онгли равишда ўқиб идрок қила оладилар ва тушунчалари соғлом тенгдошларига яқинлашади. Шунга қарамасдан уларнинг луғат бойликлари чегараланганлиги сабабли бу борада кенг коррекция ёрдами олиб борилиши талаб қилинади(луғат устида ишлаш, воқеаларни расмли ифодалар ёки филмлар орқали англатиш, амалий ҳаракатларда намойиш қилиш, сюжетли роли уйинлар ва х.),,

Нафосат тарбияси

Нафосат тарбияси ақлан заиф болалар ривожланишида энг мухим ва ахамиялилардан бири ҳисобланади. Бу болалар гарчи ақлан заиф бўлсалар-да нафосат бобида жуда имкониятлари кенг булади. Гузаллик, дидли булишга интилиш уларнинг табитида кенг микёсда шаклланиб боради. Улар атрофдагиларни диққат билан кузатиб узларича баҳо берадилар ва дидларига мос келган жихатларга таклид қиладилар.

Мактаб ва махсус мактаб-интернат таълими уларнинг бу имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш олиб боришлари зарур. Чунки уларнинг дидлари ва кизиқишлари тугри шаклланиши ва ривожланишида улар катталарнинг ёрдамига муҳтож. Шу сабабли кизлар ва угил болалар кийиниш, кийим танлашда доим тарбиячиларнинг ёрдамига мурожаат қилади. Бундан келиб чиқади-ки тарбиячи нафосат бобида кенг доирадаги маълумотга эга булиши ва шу билан бир қаторда мутахассислар маслаҳатидан фойдаланиб туриши лозим булади.

Ақли заиф болалар узлари мустикал равишда қуйидагиларни бажаришга интиладилар:

- уй, хона жихозлаш, безаш
- дид билан нарса танлаш, (дизайн учун зарур булган предметлар ва ашёлар)
- дид билан кийиниш, кийим танлаш
- Кашта тикиш, аппликациялар безаш, турли буюмлардан безаклар тайёрлаш
- Чиройли гапириш, нозик дид билан нутқ ва муомала

маданиятини эгаллаш ва х.о. Чунки улар жуда кузатувчан булганлиги туфайли ҳар бир сузловчини диққат билан кузатиб ундаги барча гузалликни қучириб олади, лекин ундан фойдаланишни махсус ургатилишига муҳтож.

- Ракс тушиш, расм қизиш.

Бу икки фаолият болалар учун уз ички имкониятини барчага изҳор қилиш ва шу орқали

маънавий озуқа олиш, қониқишлари учун катта имконият ҳисобланади. Расм қизиш орқали улар узининг ички тасавури, вокелиқлар, табиат ходисалари инсонлар ҳақидаги маълумотлари, уларга булган муносабати ва узига булган муносабатларни акс эттириб, барчага етказиб беради. Ракс эса уларга бутун ички хис туйғуларини ҳаракатлар орқали ифодалаш имконини беради. Шу сабабли улар мусикавий фильмлар, мусика остидаги ҳаракатларни завқ билан қурадилар. Эшитмасликлари туфайли бундай имкониятларини ривожлантиролмаган болалар, мактаб-интернат имконияти даражасида бу орзуларини рўёбга чиқариши учун тарбиячи ва уқитувчилар ёрдамида махсус римика дарслари, тугараклар оқали ёрдам бериши талаб қилинади.

Эшитмайдиган болаларда вистибуляр аппарати меъёрда булмади. Шу сабабли уларда ҳаракат – мувозанати аниқ ва чиройли булмади. Бу борада тарбиячининг катта коррекцияловчи ёрдами зарур булади. Уқувчиларнинг қомаги, юриш пайтида қаддини тугри тутиши, қадам ташлаши, юрганда атрофдагиларга ҳалакит бермаслик тадбирини, қулла, гавда ва оёқлар ҳаракатидаги мутаносибликни сеза билишга махсус ургатилишига эҳтиёжлари катталигини тарбиячи билиши лозим.

Қуриниб турибди-ки қар болалар мактаб-интернати тарбиячиларининг қундалиқ иш режаларининг мазмунида нафосат тарбияси ҳар қуни қузда тутилиши зарурияти яққол намоён булиб турибди. Демак тарбиячининг иш режаси муайян синф учун қуйилган Давлат талаблари билан бир қаторда болаларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиши ва улардаги қамчиликларни аста-секин бартараф этишга қаратилиши лозим.

Меҳнат ва қасбга йуналтириш тарбияси.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари ҳаётида меҳнат тарбиси ва қасбга йуналтириш асосий уринлардан бирида туради. Болалиқдан ногирон булган бу болалар учун тарбиянинг айнан шу йуналиши ута муҳимдир.

Тарбиянинг бу йуналиши уқитувчи, тарбиячи, меҳнат таълими уқитувчилари ва психолог ҳамкорлигида олиб борилади. Болалар мактаб-интернатни битиргач уз юртлари, вилоят ва туманларига бориб узлари ва оилалари учун моддий войлик келтира оладиган йуналишни танлаб кетишлари ва танлаган касблари буйича мустакил ёки ҳамкорликда иш олиб бора-оладиган даражада узларига ишонч билан кетадиган булишига тайёрлаш лозим.

Бу йуналишда утказиладиган тарбиявий соатлар, машгулотлар мавзуси замонаий хаёт ва Республикамизда ёшлар олдига куйилаётган талаблар асосид булмоги лозим. Масалан фермерлик, кичик корхоналар тажрибаси, компьютер хизмати, маданий маърифий йуналиш. Халк санъати ва хунармандчилиги, комунал хужалиги хизмати, маиший хизмат ва х.о. .

Бу йуналишларнинг барчаси хозирги кунда энг эҳтиёжли ва барча боп касблардир. Кичик ширкатларнинг яратилиши, хужжатларнинг тайерланиш жараёни ва расмийлаштиришнинг хукукий томонларининг ургатилиши мактаб-интернат таълим-тарбия дастурига киритилиши эҳтиёжи келиб чиқди. Бугунги кун талабига биноан биз хар бир болани уз шахсий ишига, шахсий мулкига эга булиши зарурлиги тушунчасини мактаб-интернатда шакллантириб чиқаришимиз талаб килинади. Собик иттифок дари меҳнат таълими бугунги кун талабига жавоб бермайди. Мактаб-интернатд тушунчаси тугри шаклланган кар, заиф эшитувчи ёшлар касб-хунар коллежларига муайян мақсад билан бориб уз тенгқурлари катори танлаган касбини завк билан эгаллайдиган булишини таъминлашимиз лозим.

Экологик тарбия

Экологик тарбия аслида хар бир дарсда ва тарбиявий машгулотларда, сухбат, мунозара мазмунида доим мавжуд булиши, табиат, табиатнинг инсоният хаётидаги, планетамиз, ундаги мавжудотларнинг хаётидаги узаро богликликни англаиб борилиши лозим. Алохида экологик мавзу бир хафтага режалаштирилса, синф уқитувчиси, бошка фан уқитувчилари, тарбиячи бутун хафта давомида мавзуга мос моментларни эътибордан чиқармаслиги ва албатта шу мавзуга кайтиб болалар эътиборини каратиши лозим. Уқувчиларнинг муносабати, шу хусусдаги фикрини очиб, мухокама килиш зарур. Масалан:

Усимликлар нима учун керак?

Усимликларни Ким парвариш килиши керак?

Хайвонлар билан усимликларнинг кандай алоқаси бор?

Бегона утлар факат зарарли-ми?

Кушлар нима билан озикланади? Табиатда хашоратлар керакми?

Дарёларнинг кандай фойдаси бор? Агар дарёлардаги сувлар ифлос булса нима булади? Сувни Ким ифлос килади?

Атрофимиздаги табиат бузилиши мумкинми? Кандай килиб?

Табиатда кераксиз нарсалар борми?

Табиатни асраш учун нима килиш керак?

Сиз табиатни кандай мухофаза киласиз?

Каби саволлар оркали уқувчиларда табиат ва инсон мавзусида глобал тушунчалар хосил килинади. Бунинг учун тарбиячи кулай вазият хосил килиб уқувчиларни мунозарага тортиши ва юкоридаги саволларни аста уртага ташлаб уқувчилар орасида мунозаравий вазият хосил килади. Фикрлар хилма-хиллигига олиб келиб жамоа булиб « Биз табиатни асраймиз», « Табиатда кераксиз нарса йук». Табиатда хамма нарса бир-бирига керак» деган мавзуларда хулосалар тузилади.

Уқувчиларда бу борада атрофлича тушунчалар хосил килиш учун албатта мунозаравий вазият содир килиш ва интерактив иш олиб бориш мақсадга олиб келади. Тарбиячи ёки уқитувчининг тушунтириш методи оркали бундай тушунчаларни мукамал эгалаш кийин булади.

Бундай мавзулардаги машгулотлар 20- 30 минут атрофида, деярли эркин тарзда, уқувчиларнинг эркин мулокоти учун шароит яратилган холатда олиб борилади.

Иқтисодий тарбия

Кар ва заиф эшитувчи болалар мустақил ҳаётга тайёрлаш, майиший турмушга тайёрлаш касб-хунарга йуналтириш ва иқтисодий тарбия орқали амалга оширилади. Чунки айнан шу дарсларда укувчилар илк бор:

гояни, мақсадни режалаштириш;

тузилган, белгиланган режа асосида уни амалга

ошириш;

унинг натижасини англаш (куйилган мақсади ва натижасининг мос келишини таҳлил қилишни) урганадилар.

яъни кар болалар дастлабки бизнес планларини тузиб уни амалга ошириб курадилар. а шу тарзда ҳар бир фойлиятларини режали асосда натижали амалга оширишга одатланадилар.

Масалан:

Тарбиячи 5 синф укувчиларини икки гуруҳга булиб шундай топширик беради:

Сиз эртага тушликка 6 кишилик салат тайёрлайсиз.

Салат тайёрлаш учун сизга:

1.Канча помидор, пиёз;

2.Канча ва канака кукатлар, зироварлак, туз ва яна нималар керак булади? Биргалашиб келишиб ҳисоблаб чикинг.

Салат учун зарур булган нарсалар канчадан туршини аниқланг.

3. Жами канча маблағ кетишини ҳисобланг. топшириги

берилади. Укувчилар биргаликда келишиб, кенгашиб, ҳар бири алоҳида ва ҳамкорликда топширик ва муаммони ечади.

Сунг биргликда масалликни сотиб олиш ва салатни тайёрлаб синфдошларини меҳмон қилиш учун шароит яратилади. Ҳар бир гуруҳнинг тайёрлаган салати бутун синфга намойиш қилинади.

Бунга ухшаган машғулотлар укувчиларда мустақиллик ва эркинлик интилиш, муаммони ҳал қилишни режалаштириш, бизнес-план тузиш, сарфланадиган харажатларни ҳисоблаб, имконият излашга ургатади.

Ёрдамчи мактаб интернатларида ақли заиф ўкувчиларга миллий маънавий меросимизни ўргатиш усуллари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган таълимий ислохотлар ягона мақсад – баркамол авлод ва малакали мутахассисларнинг тарбиялаш ҳамда тайёрлашга йуналтирилган бўлиб мазкур мақсаднинг тўлақонли амалга оширилиши узлуксиз таълим тизимини қайта шакллантирилиши унинг мазмунини ижтимоий талабларга мувофиқ равишда янгилаш асосида таъминланади.

Республика тараққиётининг асосидан омилларидан бири малакали кадрлар эканлиги борасидаги ғоялар Президент И.А.Каримовнинг асарларида қуйидагича ёритилади: «Биз шайтимизнинг турли жабҳаларида халқ хыжалигининг барча соҳаларида туб ислохотларни амалга ошириб, ушбу ислохотларнинг турмуш тарзини ижобий томонларини ўзгартириши маънавий юксалишимизга кўмак бериши ҳамда миллий ғурур ва ифтихоримизни кўпайтириши кўп жиҳатдан шар томонлама етук кадрларга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Республикаимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан равақ топишида бу соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишимизда ҳам милли йкадрлар бош омиллардан бири бўлади».

Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурнинг ижтимоий йналишларидан бири, илмий изланишларни мустақил йирик йуналиши ва илм – фаннинг долзарб вазифасидир. Ҳозирги пайтга келиб бу соҳада қуйидаги чора тадбирлар амалга оширилган.

- Узлуксиз талим тизими, давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар амалга оширилди ва ривожлантирилди;

- «Таълим тўғрисидаги» қонунга мувофиқ равишда барча бғинлардаги узлуксиз таълим тизимини бошқариш тизимининг, бошқариш органларини ваколат доиралари белгилаб қўйилиши таъминланди;

- таълим муассасари. таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун аттестация ўтказиш жорий этилади;

- Давлат тест маркази қошида таълим муассасаларида педагог ходимлар сифати назорати, аттестациядан ўтказиш ҳамда таълим муассасалари бошқармаси ташкил этилди;

- Давлат таълим стандартлари (ДТС) ташкил этилди;

- Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари кенг оммалашмоқда;

- Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоатчиликнинг шакллари ривожлантирилмоқда.

Республикамининг оммавий мактабларида ўқийдиган ўқувчилардан ташқари махсус таълим масканларида ҳам ислохотнинг барча босқичлари амалга оширилмоқда.

Махсус таълим мактаблари (кўзи ожизлар, заиф эшитувчилар, қарлар, ёрдамчи мактаб) да ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввал улар учун зарур бўлган ўқув дастурлари, техник воситалари, керакли жиҳозлар ишлаб чиқарилади ва тезлик билан ўз эгаларига етказиб берилади.

Миллий маънавий меросимизни ақли заиф ўқувчиларга ўргатишда энг самара берадиган усуллар асосан ҳамкорликка асосланадиган ва ўқувчиларнинг ўзаро ёрдамини ташкил этадиган, жамоада ишлашга ўргатадиган усуллар ҳисобланади.

Бинобарин, ногирон болалар жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида ўз ўрнини топиши учун шарит яратилиши лозим бўлган муассаса бу мактабдир. Агар бола махсус мактабми, ёки умумтаълим мактабидами таълим олмасин, у учун жараён турфа имкониятларни инобатга олган ҳолда ташкил этилмас экан, педагогик жараёндан кутилган натижа бесамар қолаверади.

Замонавий таълим самарадорлигини таъминлашда ўқув жараёни ўқувчиларнинг имкониятларини инобатга олиб, улар учун мос ва хос ҳолда ташкил этилиши муҳим саналмоқда.

Махсус мактаб, мактаб-интернатларида ўқувчиларга миллий маънавий меросимизни ўргатиш учун энг қулай усуллар: яқка ишлаш, гуруҳда ишлаш, рефлексия, тақдирот, ишбилармонлик ўйини, ролли ўйинлар каби усуллардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш, миллий ўзликни туйишга ўргатишда ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

Масалан, миллий қадриятларимизни ўрганишда болаларга экскурсия дарси ҳам ўз самарасини берди. Чунки ўқувчилар бевосита ўз ўлкаларидаги тарихий обидаларни кўриб, уларнинг тарихига назар ташлаш имконига эга бўлдилар. Асосан. Махаллий шароитда ақли заиф болаларни кўчаларда юриш-туриш қоидаларини билмайди, улар ташқаридаги-атрофдагиларга халақит қилади, ўзига эътибор жалб қилади деган фикрлар ҳам кўп учрайди. Бизнинг тажрибамиз эса аксини кўрсатди. Интерфаол усуллар орқали педагогик жараён ташкил этилганда ўқувчилардаги нуқсон ҳам билинмайдиган даражага келиши, болалар атрофидаги болаларга эргашиши, ўзининг нотабиий қилиқлари ва ҳаракатларига ўзлари танқидий баҳо бериши кузатилди. Шу боис, тажрибамизга асосан, шуни таъкидламоқчимизки, ақли заиф болаларга ҳам керакли тартиб ва усуллар орқали таъсир этиб тарбия берилса, улар ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўз имкониятлари даражасида бировга муҳтож бўлмасдан ўзининг оддий эҳтиёжларини қондира олиш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Айниқса, бундай болаларга тарих, география ва бошқа ижтимоий йўналишлардаги фанлар керак эмас, барибир улар унинг мазмунини ўзлаштира олмайдилар деган қарашларга ҳам бизнинг тажрибаларимиз тўлақонли жавоб бўла олади. Улар ҳам миллий урф-одат нималигини, саломлашиш, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, ўзгаларнинг меҳнатини ҳурмат қилиш, ота-онани эъзозлаш, оила муқаддас каби тушунчаларни эгаллаш оладилар.

Тарбиячининг иш тартиби

Мактаб-интернатининг тарбиячиси ҳам мутахассис дефектолог бўлиб, ўқитувчи сингари коррекцион иш олиб боради. Тарбиячининг иш режаси мазмунида ўқитувчининг барча

фанлардан берилган нутқ материални мустаҳкамлаш ва амалий нутққа киритиш, ўзининг режалаштирган мавзулари бўйича янги сўзлар ва жумлаларни алоҳида белгилаб бориши талаб қилинади.

Хар бир синфда тематик машғулотлар болаларнинг ёшига қараб мустаҳкамланиб борилади.

Кундалик фаолиятга оид нутқ материаллари ҳам ҳар бир гуруҳнинг ёшига мос равишда мураккаблашиб боради.

Масалан: Болаларни қабул қилиш:

Бугун кайфиятингиз қандай?

Кийимларингиз тозами?

Бугун неча соат дарс бўлди? Бугун Ким қандай баҳо олди?

Ким қайси дарсда қийналди? Нималарда қийналдингиз?

Энди синфимизни тартибга солиб тушликка таёрланамиз. Кимлар навбатчи?

Хамма кийимини алмаштиради. Мактаб кийимини тозалаб жойига қўяди. Марҳамат сизга 15 дақиқа вақт.

Бу вақтда тарбиячи тушликка тайёрланиш ва уни ўтказиш учун нутқ материални тайёрлайди:

Хозир биз тушликка борамиз. Хама сочиғини олиб қўлини ювишга боради.

Социнингизни жойига осиб қўйинг ва ошхонага марҳамат қилинг.

Хаммангиз шовқин қилмасдан ўз жойингизга ўтиринг.

Навбатчилар бугун ҳаммани сиз меҳмон қилинг.

Ошхонада навбатчилик қиладиганлар мезбонлик вазифасини ўташи ўргатилиб борилади. Бунда мезбонлик мулозаматлари, дастурхон безаш маданияти (чой куйиш, сой узатиш, марҳамат олинг, иштаҳангиз яхши бўлсин ва ҳ.о.), бугунги таомномани эълон қилиш, овқатни сузиб бериш (тайёрлов - 4 синфларда овқатни тарбиячи сузиб беради) каби ишларни навбатчилар тарбиячининг бевосита раҳбарлиги остида оғзаки мулоқот орқали амалга оширадилар. Бунинг учун тарбиячи даставвал бу ҳаракатларнинг ёзма ифодаси ёзилган қоғоз тасмаларини ўзи билан олиб юради ва зарур бўлган пайтда дархол ундан фойдаланадилар. Овқатланиш пайтида ўқувчилар навбатчи мезбонларга ташаккур, ҳурмат, эҳтиром билдиришлари ҳам тарбиячи томонидан эслатилиб борилади. Овқатдан сўнг гуруҳ ошпазларга минатдорчилик билдириб дастурхондан турадилар. Яъни бутун тушлик давомида болалар ўзаро оғзаки мулоқотда бўлишлари талаб қилинади. (0 -2 синфларда тарбиячи менюдаги овқатларнинг номларини барчага дактил оғзаки тарзда ўзи билан биргаликда айттириб мустаҳкамлатиб борилиши талаб қилинади).

Тушликдан кейинги сайр ўйин, суҳбат ёки биргаликда амалга ошириладиган хўжалик, майиший ишлар жараёнида ишлатиладиган нутқ материаллари ҳам доим тарбиячининг қўлида бўлиши лозим, ва зарур бўлган пайтда ундан фойдаланилади.

Юқорида қайд этилган жараён ва унга доир нутқ материаллари тайёрлов синфидан бошланиб доимий равишда олиб борилса, ярим йиллик қаттиқ меҳнатдан сўнг болаларга бу нутқ материаллари ёд бўлади, ва уни карточкада кўтариб юришга эҳтиёж ҳам қолмайди.

Тарбиячи болани қабул қилишдан то тушликни тугатгунча тахминан 70- 100 нутқ бирлиги доирасида оғзаки мулоқот олиб боради.

Тайёрлов синф ўқувчилари дастлабки биринчи ярим йилликда кундузги уйкуга кетишади. Кундузги ухлаш учун ётақхонага киргач улар билан қисқа муддатли суҳбат ўтказилади:

Дастлаб:

Олдиндан тайёрланган карточкалардан дактил-оғзаки равишда:

Бу ётоқхона.

Бу сизнинг жойингиз.

Бу жойи

Бу жойи ва шу тартибда хама укувчининг исми ёзилган жойлар кроватларга қўйилиб болаларга айттириб, «Энди ётинг. Ухланг» сўзлари ёзилган карточкаларни кўрсатиб дактил оғзаки айтиб ҳаммаси ўз жойига ётқазилади. Кейинчалик: ўқувчиларга қуйидаги топшириқ ва саволларни айтиб ётоқхона мавзусини такрорлаб, дактиллаб ва оғзаки « Энди ётиб ухланг» дейилади.

Бу ер қаер?

Бу ердаги жихозлар номини айтинг.

Хамма ўз кроватини кўрсатиб « Бу менинг жойим» дейди ва жойига ётади.

Уй вазифасини тайёрлаш жараёни буйича тавсиялар.

Уй вазифасини тайёрлаш учун тарбиячи ўқувчиларни синф хонасига олиб киради ва ҳаммани ўз жойига ўтқазди. Биринчи бўлиб қайси дарсни тайёрлашларини эълон қилиб, шу фандан бугун қандай вазифа берилганлигини болалардан сўраб аниқлайди. Уқувчиларнинг ҳаммасига уйга қандай вазифа берилганлиги такрорланади. Шундан сўнг ўқувчиларга дарсликни очиб вазифани ҳамма ўзи мустақил ўқиб тушуниш топширилади. Бунинг учун 5 минут вақт берилади. Вақт тугагандан сўнг, ўқувчилар жуфт- жуфт қилиб ўтқазилади ва вазифани қандай бажаришни муҳокама қилиб унинг қораламасини биргаликда бажаришни ва бунда бир-бирларига ёрдам бериши мумкинлиги эълон қилинади. Тарбиячи бу вақт барча гуруҳларнинг ишини кузатиб туради. Бунга 10 минут вақт берилади. Вақт тугагач тарбиячи ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчини доскага чиқиб вазифани қандай бажарилишини доскада ёзиб кўрсатишни топширади. Гуруҳлар ўз ишини доскада намойиш қилгач ўқувчилар билан мунозара ўтқазилади:

Биринчи гуруҳнинг ишини курамиз. Ким фикр айтади?

Ким бошқача бажарди?

Кимнинг иши тўғри?

Иккинчи гуруҳнинг ишини кўрамиз.

Ким бошқача бажарган?

Бу ишда қандай хато бор?

Шу тарзда вазифанинг тўғри варианты аниқланади ва ҳамма дафтарига кўчиради.

Агар вазифа оғзаки бажарилиши лозим бўлса унда гуруҳлар ёки жуфтликлар топшириқни оғзаки такдимот қиладилар. Тарбиячи ҳар бир гуруҳнинг такдимотини қисқача муҳокама қилиб ўқувчилардан баҳолашни сўрайди. Баҳолаш жараёнида уларга сиз ўртоқларингизни яхши кўрасиз – а? Уларнинг жавобларига тўғри баҳо қўйишга ҳаракат қилинг, қолганларига эса : «Уртоқларингиз сизга ёрдам беришдими? Сиз уларнинг айтганларини қабул қилдингизми?» каби огоҳлантиришлар олиб борилади. Уқувчилар топшириқларни жуфтлик ёки гуруҳларда ишлаб ўргансалар уларда ҳамжихатлик, жавобгарлик хисси тарбияланади. Бу эса ўз навбатида уларни бир- бирларига яқинлаштиради.

Уй вазифасини биргаликда бажаришга ҳар бир фан учун бошланғич синфларда 25 минутдан, юқори синфларда 35-40 минутдан вақт берилади, қолган вақтда ўқувчилар уй вазифасини яна мустақил такрорлаши ёки маустаҳкамлаши мумкин.

Уй вазифасини тайёрлаб бўлгач, ўқув хонаси эртанги кунга тайёрланади . Бунинг учун ҳар бир ўқувчи ўз жойи ва атрофини тартибга келтириб қўйиши эслатилади ва ўқитувчи ёки ўқувчилардан биттаси «Навбатчиларнинг меҳнатини ҳурмат қиламиз» шиорини айтиб кўрсатади.

Шундан сўнг тарбиячи хама ўқувчиларни синф хонасидан кейинги машғулотга олиб чиқади.

Тарбиявий машғулот

Тарбиявий машгулотлар 0 - 5 синфларда ҳар куни 3 тадан режалаштирилади ва жадвал шаклида бериледи, шундан иккита машгулот муайян мавзули бўлиб, биттаси ижодий ўйин ёки дидактик ўйин тарзида ўтказилади. Юқори синфларда ҳар уччала машгулот ҳам мавзули бўлиб жадвал асосида ўтказилади. Мавзулар ҳар бир тарбиячининг иш режаси асосида бўлиб, иш режаси эса мактаб –интернатнинг умумий иш режаси, бош тарбиячининг йиллик режаси ва фан ўқитувчиларининг иш режаси асосида тузилади. Бунда асосан ҳар бир синфдаги ўқувчиларнинг нутқининг шаклланиши ҳамда умумий ривожланиши асосий мезон қилиб олинади. Яъни тарбиячининг иш режаси мактабнинг умумий коррекцион йўналиши асосида тузилади ва ягона коррекцион тизимга бўйсинади

Тарбиявий машгулотларни тайёрлаш ва ўтказишда тарбиячи навбатда куйидагиларни эътиборга олиши ва амалга ошириши лозим:

- Ҳар бир машгулотга оид нутқ материални олдиндан карточкаларга ёзиб тайёрлаб қўйиши;
- Бошланғич синфларда сўзларга оид расмлар ёки предметларни ҳозирлаш;
- Ҳафта давомидаги навбатчи товушга оид оғзаки талаффуз машқларини кўзда тутиши;
- Синфнинг кундалик ҳаёти, болаларнинг таъсуротлари, об-ҳаво, фасл ва мавсумий ўзгаришлар ва ҳафта кунлари шу кун санаси ҳақидаги маълумотлардан иборат кириш суҳбатини ўтказиш;
- Суҳбат пайтида ўқувчиларда эркинлик, ихтиёрийлик, сизга ва ўртоқларига ишонч, суяниш ва ёрдам сўраш мумкинлигини англадиган муҳит яратиш.
- Суҳбат пайтида тарбиячи ўзини болаларга яқинлигини улар билан дўстона муносабатда бўлиши, уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳурмат қилиши ва яхши кўришини сездириб бориши;
- Мавзу бўйича олиб бориладиган машгулотни дарс тарзида эмас, балки муайян мавзуда бирор янги нарсани ўрганишга қаратилган машгулот, ижодий ўйин тарзида олиб бориш ва ўқувчиларга ҳам мавзунини « Биз сиз билан бугун қандай бўлишини ўрганамиз. Келинг буни қандай бажаришни келишиб оламиз» деб бошлаш;
- Машгулотнинг якунида :
 - Бугун биз сиз билан нима қилдик?
 - Биз буни қандай ўргандик ва бажардик?
 - Ким кимлар билан ишлади?
 - Ким ўртоғидан ёрдам сўради?
 - Ким ўрганганини гапириб беришни хоҳлайди?.
 - Кимга бугунги ишимиз ёқди? Сиз буни қаерда ишлатишингиз, қўллашингиз мумкин?

Қаби саволлар орқали суҳбат ўтказиш.

Ҳар бир тарбиявий машгулотда албатта янги сўзлар бўлиши муқаррар. Шу сабабли янги сўзларга алоҳида эътибор бериледи, шу сўзлар алоҳида, каттароқ, бошқача рангда ёзиб кўрсатилади ва ўқувчилар тўла-тўқис ўрганиб олгунича шу тарзда доскада туриши таъминланади.